



## **PROBLEMS OF LEGAL REGULATION OF DIFFERENTIATION IN THE LABOR SPHERE**

**SH.ISMOILOV**

Tashkent state University of law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

### **ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО УПОРЯДОЧЕНИЯ ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНОСТИ В СФЕРЕ ТРУДА**

**Ш.ИСМОИЛОВ**

Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047,  
Узбекистан

### **МЕҲНАТ СОҲАСИДА ДИФФЕРЕНЦИАЛЛИКНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МУАММОЛАРИ**

**Ш.ИСМОИЛОВ<sup>a</sup>**

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

**Аннотация:** мазкур мақолада меҳнат соҳасида дифференциаллик масалалари, айрим тоифадаги ходимлар ва улар меҳнатини тартибга солишинг хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигида дифференциалликка оид нормалар қиёсий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** дифференциаллик, айрим тоифадаги ходимлар, чеклов, имтиёз, кафолат, меҳнатни тартибга солишинг хусусиятлари, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари.

**Аннотация:** в статье рассматриваются вопросы дифференциации в сфере труда отдельных категорий работников и особенности регулирования их труда, а также сравнительный анализ норм дифференциации трудового законодательства Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** дифференциация, отдельные категории работников, ограничение, льгота, гарантия, особенности регулирования труда, законодательные акты о труде.

**Annotation:** the article considers the questions of differentiation in the labour sphere, certain categories of employees and regulation peculiarities of their work, and comparative analysis of the differentiation norms of the labour legislation of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** differentiation, of certain categories of workers, limitation, immunity, guarantee, special procedures for work, the legislation on work.

#### **Мавзунинг долзарбилиги**

Ривожланган иқтисодиёт, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя, фаол фуқаролик жамияти мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пиравард мақсадлари ҳисобланади. Ўзбекистонда бошланган янги ислоҳотлар тўлқини эса унинг ўз олдига қўйган мақсад сари қатъий ҳаракат олиб бораётганидан далолат беради. Шу ўринда инсон омили устувор бўлган ва ижтимоий йўналтирилган давлатни тўла-тўқис куриш вазифаси кенг кўламли ижтимоий ислоҳотлар ўтказишни талаб этаётганигини таъкидлаш лозим. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифалар яққол исботлаб турибди. Хусусан, мазкур Фармон билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг IV бўлимни **ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари**га бағишлиган бўлиб, унда ёшларни иш билан таъминлаш, меҳнатга лаёкатли аҳолининг меҳнат ва тадбиркорлик фаолигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш билан боғлик вазифалар кўйилган. Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид **Давлат дастурида** “Давлат хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (16-банд)ни, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига давлат органлари ва ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни нормалашни тартибга солувчи ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишини назарда тутувчи қонун лойиҳаси (17-банд)ни, 2018–2020 йилларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш ва ривожлантириш Дастури (53-банд)ни, “Меҳнат миграцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (204-банд)ни ишлаб чиқиш ва Жамиятда ҳуқукий маданиятни юксалтириш Миллий дастури лойиҳаси (92-банд)ни тайёрлаш каби қатор муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган [1].

Таъкидлаш лозимки, қабул қилиниши Давлат дастурига киритилган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда меҳнат ҳуқуқининг дифференциаллиги қоидаларидан фойдаланиш улар самарадорлигини оширишга хизмат қиласди.

Меҳнат ҳуқуқида ҳам бошқа ҳуқуқ соҳалари каби ижтимоий меҳнат муносабатларини тартибга солишида дифференциаллик қоидалари кўлланилади. Дифференциация сўзи французча “differentiation”, лотинча “differentia” сўзларидан олинган бўлиб, турли хиллик, фарқлилик, фарқлаш деган маъноларни билдиради [2]. Дифференциаллик қоидалари моҳиятига кўра “умумий қоидалардан истиснолар”га тўғри келади. Бундай истиснолар оқибатда ҳуқуқий тартибга солишининг хусусиятлари татбиқ этиладиган айрим тоифадаги ходимлар (давлат хизматчилари, диний ташкилотлар ходимлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқарши органлари ходимлари, педагог ходимлар, тиббиёт ходимлари, транспорт ходимлари, спортчилар, касаначилар, мавсумий ходимлар, масофавий ходимлар ва ҳ.к.)ни вужудга келтиради.

Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш хусусиятлари меҳнат ҳуқуқида дифференциаллик қоидалари билан бевосита боғлиқdir. Сўнгги вақтларда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишида дифференциалликнинг кенгайланлигини кузатишимиш мумкин. Бу, энг аввало, технологияларнинг мураккаблашуви, меҳнат тақсимотининг чукурлашуви, меҳнат соҳасида ихтисослашувнинг кучайиши, давлат ижтимоий сиёсатининг инсонпарварлашуви, экологик вазиятнинг мураккаблашуви ва бошқа обьектив омиллар билан боғлиқ ҳолда вужудга келмоқда. Таъкидлаш лозимки, замонавий шароитларда меҳнат муносабатларида амал қилувчи хилма-хилликни мутлак ҳолда умумий тусдаги нормалар билан тартибга солиш имкони мавжуд эмас. Мисол учун, субъектив дифференциалликнинг ёркин намунаси бўлган аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш алоҳида ёндашувни талаб қиласди. Ёхуд таълим муассасидаги ва шахтадаги меҳнат шартли фарқларга эга. Зоро, умумий қоидалар универсал, умумхарактерга эга бўлса, алоҳида қоидалар давлат, жамият ва шахс нуктаи назаридан анча муҳим бўлган ҳамда у ёки бу соҳадаги меҳнатнинг турли жиҳатлари, турли шароитларни ёки бошқа ходимлар тоифаларини ҳисобга олган ҳолда тартибга солишини такозо қиласди[3].

Бироқ меҳнат ҳуқуқида дифференциалликнинг ҳар доим чукурлашиб бориши ҳақидаги хулоса ҳам нисбийдир. Буни қиёсий ҳуқуқшунос И.Киселевнинг фикрлари тасдиқлайди. Унинг таъкидлашича, меҳнат ҳуқуқида дифференциаллик мураккаб, кўп қиррали ва турлича тушунча ҳисобланади. Ғарб давлатлари меҳнат ҳуқуқида дифференциаллик корхона ходимлари сонига қараб амал қиласди. Одатда кичик корхоналарга бандликни кафолатлаш, касаба уюшмалари, меҳнат жамоаларининг ҳуқуқлари ва ваколатлари, меҳнат муҳофазаси бўйича айрим талаблар кўлланилмайди. Бундай ҳолатни Бельгия, Германия, Франция, Испания қонунчиликларида кўриш мумкин. Уларда меҳнат қонунчилигининг кичик ва ўрта корхоналарнинг хусусиятларига мослашиши кузатилади. Ушбу соҳада Ғарб давлатларида давом этаётган узоқ муддатли тенденция меҳнат ҳуқуқида дифференциалликни қисқартириш, унинг стандартларини бир хиллаштиришга қаратилган. Мисол учун саноатда ва қишлоқ хўжалигида ёлланма меҳнатни, хусусий ва давлат корхоналарида эса ходимлар меҳнатини тартибга солувчи нормаларни унификациялаш амалга оширилмоқда [4].

## Норматив-ҳуқуқий асослари

Мехнатни тартибга солишининг хусусиятлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бундай тартибга солишда биринч навбатда Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси муҳим ўрин эгаллади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 14-бобида айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар мустаҳкамланган. Ушбу боб қоидалари асосан субъектга оид дифференциалликка таалукли бўлган ходимлар – аёллар ва оиласий вазифаларни бажариш билан машғул шахслар, ёшлар, ишни таълим билан бирга қўшиб олиб бораётган шахларга меҳнат хукукининг турли институтлари бўйича имтиёзлар ва кафолатлар беришни хукукий тартибга солишга қаратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг 18-моддасида давлат хизматчиларининг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари қонун билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган. Айни вақтда айрим тоифадаги бошқа ходимларнинг меҳнатини хукукий тартибга солиш билан боғлиқ чекланган қоидалар (ногиронлар, ўриндошлар, корхона раҳбарлари)ни ёки умуман бундай қоидаларнинг мавжуд эмаслигини (мавсумий ишчилар, касаначилар, иш берувчи жисмоний шахса меҳнат шартномаси асосида ишловчилар, масофавий ходимлар, педагог ходимлар, диний ташкилотлар ходимлари, спортчилар) кўриш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, меҳнатни хукукий тартибга солишининг хусусиятларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексидан ташқари бошқа қонун ҳужжатлари бўйича ахволни ҳам яхши деб бўлмайди. Хусусан, мавсумий ишларда банд бўлган ходимлар, вахта усулида ишловчи шахслар, жисмоний шахс бўлган иш берувчилар билан меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимлар, касаначилар, масофавий ходимлар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган ходимлар, давлат хизматчилари меҳнатини хукукий тартибга солишининг хусусиятларини белгиловчи тегишли норматив-хукукий ҳужжатларнинг ўзи мавжуд эмас. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Таълим тўғрисида”ги, 1998 йил 1 май янги таҳриридаги “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги, 2000 йил 14 декабрь янги таҳрирдаги “Судлар тўғрисида”ги, 2013 йил 22 апрель янги таҳрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли қарори билан тасдиқланган Ўриндошлиқ асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомда ушбу тоифадаги ходимларнинг меҳнатини тартибга солишининг хусусиятлари лозим даражада ўз ифодасини топмаган.

### **Хорижий мамлакатлар тажрибаси**

Ижтимоий меҳнат соҳасида янги муносабатлар (масофавий меҳнат, якка тартибдаги тадбиркорнинг иш берувчи мақомига эга бўлиши, оиласий тадбиркорлик)нинг вужудга келаётганлиги ва айрим тоифадаги ходимлар меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари чуқурроқ намоён бўлиб бораётганлиги (давлат хизматчилари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари, диний муассасалар ходимлари, спортчилар ва ижодкор ходимлар) меҳнат хукуқида дифференциаллик билан боғлиқ нормаларни такомиллаштиришни талаб қилмоқда. Зоро, бугунга келиб хориж давлатлари дифференциаллик қоидаларига асосланган айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишининг хусусиятлари меҳнат қонунчилигининг мустақил боби сифатида мустаҳкамланган.

Қиёслаш учун меҳнатни тартибга солишининг хусусиятлари белгиланган айрим тоифадаги ходимлар доирасини МДҲ давлатлари мисолида кўриб чиқадиган бўлсақ, Украинада 4 та (Украина Меҳнат кодексининг лойиҳаси), Қирғизистонда 19та, Қозогистонда 13та, Тожикистанда 14та, Озарбайжонда 3та, Россия Федерациясида 24та, Беларусда 15та, Молдовада 15та тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солишининг хусусиятлари ушбу давлатларнинг Мехнат кодексларида алоҳида бобда мустаҳкамланган [5]. Тан олиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги ушбу масала бўйича (3та тоифа) МДҲ давлатларидан сезиларли равишда ортда қолган.

Ривожланган Фарб давлатларида меҳнат муносабатларини тартибга солишда ҳам дифференциаллик белгилари қайд этган қонун ҳужжатлари мавжуд. Мисол учун Швейцариянинг 1978 йилги Мажбурият кодекси, Люксембургнинг 1989 йилги Шартномалар тўғрисидаги қонунида бундай нормалар ўз аксини топган[6].

### **Хулоса**

Хукуқшунос олим М.Гасановнинг қайд этишича, собиқ Иттифоқ давлатлари ичida биринчи бўлиб Ўзбекистон ўзининг Меҳнат кодексини 1995 йил 21 декабрда қабул қилган ҳамда у 1996 йил 1 апрелдан кучга кирган. Мазкур Кодекс давлат мулки монополизми билан боғлиқ бир

қатор нормаларга барҳам берган, аввал меҳнат қонунлари Кодексида бўлган кўплаб декларатив қоидаларни инкор этган, меҳнат муносабатларини жамоа шартномавий ва индивидуал шартномавий тартибга солиш имкониятларини сезиларли равища кенгайтирган, меҳнат соҳасида ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш учун хукуқий асосларни яратган, меҳнат бозорининг амал қилиши ва ривожланиши учун комплекс масалаларни ҳал этган, ходимларнинг меҳнат хукуқларини таъминлаш ва химоя қилишнинг механизмларини такомилластирирган [7].

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қабул қилинганлигига 20 йилдан ошиди. Ўзбекистоннинг йигирма йил олдинги ва ҳозирги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа ҳаёт соҳаларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Бир сўз билан айтганда, меҳнат муносабатларини хукуқий тартибга солишнинг усуслари нисбатан эскирди ва замонавий ҳаёт талабларига тўлиқ жавоб бермай қолди. Аммо Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ушбу ўзгаришларга мос равища бўшликлар тўлдирилмади.

Бироқ шунга қарамасдан, олимлар ва амалиётчилар томонидан бўликларни бартараф этишга қаратилган турли таклиф ва мулоҳазалар билдириб келинмоқда. Хусусан, хукуқшунос олим М.Гасанов Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини “**Айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини хукуқий тартибга солиш хусусиятлари**”га бағишиланган боб билан тўлдиришни уни такомилластириш йўналиши сифатида кўрсатиб ўтади [8]. Мазкур таклиф меҳнат соҳасида дифференциаллик қоидаларини инобатга олган ҳолда айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини хукуқий тартибга солиш билан боғлиқ кўплаб бўшликларни тўлдириш имконини беради. Жумладан, мазкур бобнинг Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига киритилиши қуидагиларни қонун йўли билан мустаҳкамлашга олиб келади:

- 1) Меҳнатни хукуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш;
- 2) Меҳнатни хукуқий тартибга солишнинг хусусиятларини белгилаш тартиби ва асосларини кўрсатиш;
- 3) Ўттизга яқин айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини маҳсус хукуқий тартибга солиш.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун хужжатлари, бошқа қонун хужжатлари ва локал норматив хужжатларда айрим тоифадаги ходимлар меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни хукуқий тартибга солиш хусусиятларини белгилаш меҳнат хукуқида фарқлар билан боғлиқ қоидаларни тўғри татбиқ этишга хизмат қиласди.

#### **References:**

1. O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami. - 2017. - №6. - 70-modda.
2. Gasanov M.Yu. Trudovoye pravo Respublik Uzbekistan. Obshaya chast. - T.: LESSON PRESS, 2016. - S.196.
3. Gasanov M.Yu. Trudovoye pravo Respublik Uzbekistan. Obshaya chast. - T.: LESSON PRESS, 2016.- S.197-204.
4. Zayseva L.V. Trudovoy dogovor: osobennosti regulirovaniyey truda otdelnix kategoriy rabotnikov. Uchebnoye posobiye. - Tyumen: TGU, 2008. - S.6-8.
5. <<https://online.zakon.kz>>, <<http://online.adviser.kg>>, <<http://www.carim-east.eu>>, <<http://base.garant.ru>>, <<http://pravo.by>>, <<http://lex.justice.md>>, <http://www.profiwins.com.ua>.